

## Ҳақиқий шаҳиднинг сифатлари | Фикҳ дарслари (280-дарс)



19:00 / 02 май 1203

لَتُقِ غَلَابُ رَهْطِ مَلْسَمٍ وَه  
مَلَو، لَامٍ هِبْ بَجِي مَلَو أَمْلُظ  
رِيغُهُ نَعُ غَزْنِي فِ، ثَتْرِي  
مَتَيْ لُ صَقْنِي وَ دَارِي وَ، هِبْ وَث  
لِ صُي وَ لَسْغِي أَلَو، هُنْفَك  
هِمْدِبْ نَفْدِي وَ، هِيْلَع

يَفِ أَلَيْتَ قَدِجُ وَنَمَلٌ سُوغُ  
حَرْجُ وَأُهِلَّتْ أِقْمَلُغِي أَلِزْصَم  
وَأَلَكَا وَأَمَانٌ نَابٌ، ثَتُّرَاو  
ةَمِيخُ هَاوَا وَأَجْلُوعُ وَأَبِرَش  
وَأَيَحِةَ كَرْعَمَلَا نَمَلِ قُنْ وَأ  
ةَالَصَاتِقُ وَأَلِقَاعِ يِقَب  
يُغِي شَبِ يَصُ وَأُ وَأَلِمَاك  
يَهِيَلَعِ يِلُّصَو

يُغَبُ وَأَيَاعِ سَلَلْتُ قُنَاو  
أَلِوَلُّسُغِ، قِي رَطِغُ طِقُ وَأ  
يَهِيَلَعِ يِلُّصِي

Мусулмон, тоҳир (пок), балоғатга етган, зулм ила қатл қилинган,  
ўша қатл ила мол вожиб бўлмаган ва тириклик ҳукмлари унга собит  
бўлмаган одам шаҳиддир.

Бас, ундан кийимдан бошқа нарса ечилади. Кафани батамом  
бўлиши учун кийими зиёда ёки ноқис қилинади. Уни ювилмайди ва

**жаноза намози ўқилади. Уни қони билан дафн қилинади.**

**Кимни мисрда ўлдирилган ҳолда топилса ва унинг қотили билинмаса ёки биров жароҳатланганидан кейин ҳаётдан баҳраманд бўлса: ухласа, таом еса, ичса, даволанса, чодирнинг ичига олинса, маърака майдонидан тирик ҳолда олиб чиқилса, эс-ҳуши жойида бўлган ҳолда тўлиқ бир намоз вақтича қолса ёки васият қилса, улар ювилади ва намоз ўқилади.**

**Фасод ишлар, боғийлик ва йўлтўсарлик қилганининг жазоси учун қатл қилинганлар ювилади, аммо жаноза ўқилмайди.**

«Шаҳид» сўзи «шоҳид бўлинган» деган маънони билдиради. Яъни, ўлимига шоҳид бўлинган, дегани. Шаҳиднинг ўлимига фаришталарнинг жуда ҳам катта жамоаси ҳозир бўлиб, гувоҳ бўлганидан, уни шаҳид дейилади.

Шунингдек, шаҳиднинг маъноларидан яна бири шуки, унинг жаннатга киришига шоҳидлик берилгандир.

Шаҳидлар иккига бўлинади:

Ҳақиқий ва ҳукмий шаҳидлар.

Қуйида ҳақиқий шаҳид кимлиги таърифланади.

**Мусулмон, тоҳир (пок), балоғатга етган, зулм ила қатл қилинган, ўша қатл ила мол вожиб бўлмаган ва тириклик ҳукмлари унга собит бўлмаган одам шаҳиддир.**

Демак, ҳақиқий шаҳид қуйидаги сифатларга эга бўлиши лозим:

### **1. Мусулмон.**

Ғайримусулмон одам шаҳид бўлиши мумкин эмас.

### **2. Тоҳир (пок).**

Ҳайзли, нифосли ва жунуб бўлса, ювилади.

### **3. Балоғатга етган.**

Кичик болалар ҳам ювилади.

### **4. Зулм ила қатл қилинган.**

Қотил эса уруш ҳолатидаги кофир, боғий, йўлтўсарлар бўлади. Улар мусулмонни бевосита қатл қилсалар ҳам ёки уловини чўчитиб юборганлари сабабли йиқилиб ўлса ҳам, кемасини куйдириб юборгани сабабли куйиб ўлса ҳам, хуллас, мусулмоннинг ўлимига сабаб бўлсалар, қатл қилинган шахс шаҳид бўлади.

#### **5. Ўша қатл ила мол вожиб бўлмаган.**

Бунга хато тариқасида бировни ўлдирган одамга хун тўлаш вожиб бўлиши мисол бўлади.

#### **6. Тириклик ҳукмлари унга собит бўлмаган.**

Яъни жароҳат етганидан кейин дарҳол ўлган бўлиши керак.

Бас, ундан кийимидан бошқа нарса ечилади.

Мазкур шаҳидни дафн қилишга тайёрлаш жараёнида унинг пўстин, дўппи, махси ва қурол каби асл кийим бўлмаган нарсалари ечиб олинади.

#### **Кафани батамом бўлиши учун кийими зиёда ёки ноқис қилинади.**

Муҳими, унинг шаҳидлик аломатлари боқий қолиши лозим.

***«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.